

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТЎХТАЕВА ЗЕБО ШАРИФОВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА УМУМКАСБИЙ ВА ИХТИСОСЛИК ФАНЛАРИ  
ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕТОДИКАСИ  
(енгил саноат йўналишлари мисолида)**

13.00.05—Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Contents of abstract of doctoral dissertation**

**Тўхтаева Зебо Шарифовна**

Олий таълимда умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграция-  
сини таъминлаш методикасини (енгил саноат йўналишлари  
мисолида).....5

**Тухтаева Зебо Шарифовна**

Методика обеспечения интеграции общепрофессиональных и  
специальных предметов в высшем образовании (на примере  
направлений лёгкой промышленности).....27

**Tukhtaeva Zebo Sharifovna**

Methods for ensuring the integration of general professional and  
special subjects in higher education (on the example of light industry  
directions) .....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТЎХТАЕВА ЗЕБО ШАРИФОВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА УМУМКАСБИЙ ВА ИХТИСОСЛИК ФАНЛАРИ  
ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕТОДИКАСИ  
(енгил саноат йўналишлари мисолида)**

13.00.05-Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Ped88 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.vocedu.uz](http://www.vocedu.uz)) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Олимов Қаҳрамон Танзилович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Муслимов Нарзулла Алиханович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Хакимова Муҳаббат Файзиевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Бекназарова Саида Сафибуллаевна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37, e-mail: [pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)).

Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2021 йил \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Э. Қурбонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**С.Ю. Ашурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

**З.К. Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё ҳам-жамиятининг илмий-техник тараққиёти, таълим, фан ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги улкан ислохотлар, илмий-техник ахборотлар тизимининг тезкор ривожланиши ва такомиллашуви таълим мазмунига инновацион ва интегратив ёндашувларни татбиқ этиш билан ифодаланади. Айниқса, таълим инновацияси ва интеграцияси масалалари бўйича European University Institute, Max Plank Institute, Harvard Law School, European Integration (ECSA-Austria), ARENA (Oslo), Mannheim Centre for European Social Research каби тадқиқот марказларининг илмий натижалари алоҳида ўрин тутди. Таълим дастурларининг сифат жиҳатдан янгиланиш шароитида ёшларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини жорий этиш фанлар интеграциясини таъминлаш орқали ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усулларида комплекс фойдаланиш ҳамда дидактик воситаларнинг интегратив имкониятларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Жаҳон педагог олимлари ва амалиётчилари томонидан илмий асосланган илғор таълим технологиялари ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш, меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустақкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, таълимда инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этишга оид илмий изланишларга эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, профессионал таълим тизими меҳнат бозоридаги талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислоҳ қилиниши<sup>1</sup> билан боғлиқ амалий вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни илмий-назарий жиҳатдан ҳал этишда олий таълим тизимида профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашда таълим йўналишларининг умумқасбий ва ихтисослик фанларидан тузилган фан дастурлари мазмуни ҳозирги замон инновацион ва педагогик технологиялари ёрдамида тегишли мутахассисликка оид амалий масалаларни ечиш бўйича ўқитишни мақсад қилиб қўйган. Бу эса олий таълимда фанлараро интеграцияни таъминлаш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил.

имкониятларидан унумли ва мақсадли фойдаланиш таълим жараёни самарадорлиги, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга ижобий таъсир килишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонида кўра тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “Дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 163-сон Фармон ва Қарорлари, мазкур соҳага тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Илмий тадқиқот иши мавзуси фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаш-тириш қўмитасининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мос келади.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Ижтимоий соҳадаги энг устувор йўналишларнинг аксарияти хорижий университетлардаги таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг шакллари бўйича тадқиқотлар мажмуидир. Европа университетларининг эришган ютуқларини эътироф этиб, АҚШ университетларида таълим, илм-фан ва саноатнинг интеграциялашуви учун тасдиқланган моделлар уларнинг ҳаётийлигини, шунингдек, уларнинг истиқболлари асосланганлигини таъкидлаймиз. Техник олий таълимда интеграция масалаларига бағишланган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Stanford University (АҚШ), University of Texas (АҚШ), Stanford University (АҚШ), Manchester Metropolitan University (АҚШ), London University (Буюк Британия), Oxford University (Буюк Британия), Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия), Zhejiang University (Хитой), Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова (Россия)да олиб борилмоқда. Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Stanford University (АҚШ) олий таълимни интегратив ёндашув асосида ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида олий таълимда фанлар интеграцияси асосида кадрлар тайёрлаш сифатини

ошириш механизмлари асослаб берилган; Humber Institute of Technology (АҚШ), Universiti Teknologi Malaysia (Малайзия), University of Tokyo (Япония)ларда таълимнинг замонавий дидактик воситалари асосида бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларнинг ривожланганлигини таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро ахборот алмашинуви бўйича интегратив технологиялар асосида баҳолаш тизими яратилган, таълим жараёнини интегратив лойиҳалаш тамойиллари ва миқдорий-сифат ёндашувида ўқитувчи ва талаба фаолияти алгоритмини ишлаб чиқиш бўйича: National Institute Of Technical Teachers Training And Research (Ҳиндистон), шунингдек, Бухоро муҳандислик-технология институти (Ўзбекистон)<sup>2</sup>.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон цивилизациясидаги интеграцион жараёнларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўрни масаласи барча даврларда ҳам олимларни қизиқтириб келган. Диссертациянинг илмий-назарий ғояларини ишлаб чиқишда республика-мизнинг бир қатор мутахассис олимлари, педагог ва методистларининг, жумладан, олий таълим ва касб-хунар таълими назарияси ва амалиёти бўйича У.И.Иноятов, Р.Х.Жўраев, Ш.Э.Қурбонов, Н.А.Муслимов, А.Р.Ходжабаев, У.Ш.Бегимкулов, О.А.Кўйсинов<sup>3</sup>, ихтисослик фанларидан ўқув адабиётларини яратиш назарияси бўйича Қ.Т.Олимов, Ж.А.Ҳамидов, О.Х.Тўрақулов<sup>4</sup>лар замонавий ўқитиш технологиялари назарияси ҳамда амалиёти бўйича Б.Зиёмухаммедов, Н.Саидахмедов, Н.Х.Авлиёқулов, М.И.Махмутов, Г.К.Селевко, Ў.Толипов, Х.Ш.Кадиров, таълимда ўқув-услубий таъминот муаммолари бўйича З.К.Исмаилова, Қ.М.Абдуллаева, С.Ю.Ашурова, К.Ж.Мирсаидов<sup>5</sup>ларнинг фундаментал тадқиқотлари ўрганилди. Таълимда фанлараро алоқадорлик, узвийлик ва интеграция масалаларини ҳал этишга қаратилган Ш.Э.Қурбонов, А.Р.Ходжабаев,

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи <http://star.mit.edu>; <http://www.virtulab.net>; <http://www.algodo.com/>; <http://phet.colorado.edu/>; <http://www.lila-project.org/content/index.html>; <http://vlab.co.in/>; <https://learn5.open.ac.uk/course/view.php?id=2>; Christensen C.M., Eyring H. J. The innovative university: Changing the DNA of higher education from the inside out. San Francisco, 2011.; Bullen M. Participation and critical thinking in online university distance education. International Journal of E-Learning & Distance Education, 2007. vol. 13, no. 2, pp. 1–32.; Yuan L., Powell S. MOOCs and disruptive innovation: Implications for higher education. eLearning Papers, In-depth, 2013, vol. 33, no. 2, pp. 1–7.; Kentnor H. Distance Education and the Evolution of Online Learning in the United States. Curriculum and Teaching Dialogue, 2015, vol. 17, no. 1–2, pp. 28–29.; (Incheon Declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea); Lynch M., Engle J., Cruz J.L. Subprime Opportunity: The Unfulfilled Promise of For-Profit Colleges and Universities. Education Trust, 2010; Meyer K.A. If Higher Education Is a Right, and Distance Education Is the Answer, Then Who Will Pay, Journal of Asynchronous Learning Networks, 2010, vol. 14, no.1, pp. 45–68.; Radford A.W. Learning at a Distance: Undergraduate Enrollment in Distance Education Courses and Degree Programs. Available at: <https://nces.ed.gov/pubs2012/2012154.pdf>; Rocard, M. (2007). Science Education Now: Renewed Pedagogy for the Future of Europe. Luxembourg: Office for Official Publications of the European Commission.]. URL: [http://ec.europa.eu/research/science-society/document\\_library/pdf\\_06/report-rocard-on-science-education\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/research/science-society/document_library/pdf_06/report-rocard-on-science-education_en.pdf) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

<sup>3</sup> Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже. Дисс. ... докт. пед. Джураев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. - Тошкент, 2010. – 87 б.. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. Дисс. ... пед. фан. докт. – Т.:2007. – 315 б., Ходжабаев А.Р. Учебно-методический комплекс подготовки учителей трудового обучения. Метод. реком.– Т.: УзНИИПИ,1989. - 93 с., Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед.фан.док. ... дисс.–Т.:2007.-305 б.; Кўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари. Дисс. фан. докт. (DSc). – Т.: 2019.

<sup>4</sup> Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари: Дис. ... пед. фан. докт. – Т.: 2005. – 286 б., Ҳамидов Ж.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси: Дисс. ... пед.фан.док. (DSc). – Т.: 2017., Тўрақулов О.Х. Ўқувчиларда замонавий компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг методик асослари (касб-хунар коллежлари мисолида). Дисс. автореф. – Т.: 2007, – 24 б.

<sup>5</sup>Толипов Ў.К. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Дисс. ... пед. фан. докт. – Т.: 2004. – 314 б., Исмаилова З.К. Талабаларнинг касбий педагогик малакаларини шакллантириш: Дисс. ... пед. фан. ном. – Т.: 2000. – 186б.; Кадиров Х.Ш. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш технологияси. Пед. фанл. док. автореф. (DSc). – Т.: 2020. 77 б.

С.Абдурасулов, А.А.Абдурахмонов, Б.С.Абдуллаева, И.Т.Алиев, Н.Алимов, С.Т.Алиқулов, Р.Р.Боқиев, З.Жалолиддинов, А.К.Закиров, И.А.Зойиров, У.Мамутов, О.Мусурманов, Ф.Отабоева, М.У.Баратов, Н.Н.Мусаева, Д.А.Ҳимматалиев, Ш.Абдураимов, Н.Ахмедова<sup>6</sup>ларнинг илмий тадқиқот ишлари ўрганилди.

Япониянинг университетларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг шаклларини ўрганиш жуда муҳим, чунки улар хорижий, биринчи навбатда Америка тажрибасини мослаштирмоқдалар. Ушбу адаптация моделини Россия тадқиқот университетларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига хорижий ёндашувларида кузатиш мумкин. Шунингдек, ҳамдўстлик давлатлари ва хорижий давлатлар олимларидан И.А.Беленок, М.Н.Берулава, С.Р.Волкова, Б.С.Гершунский, И.Д.Зверев, В.Н.Максимова, В.А.Основина, М.Н.Скаткин, С.А.Страченко, А.В.Усова, А.В.Непомнящий, О.А.Яворук, J.Stiehl, J.DeRuiter, J.Gilbert, S.M.Wilson, S.Merriam, J.Fernandez-Balvoa, P.Ertmer, F.Cochran ва бошқа олимларнинг ишларида фанлараро алоқадорликнинг назарий асослари ва ўқитиш жараёнида фанлараро интеграция муаммолари тавсифланган.

Ҳар бир олий таълим муассасасида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг шакллари алоҳида амалга оширилади, бу эса интеграциялашув шакллариининг хилма-хиллигини ўрганишни талаб қилади. Фанлараро алоқадорлик ва интеграциянинг алоҳида жиҳатларини очиб берувчи кўплаб тадқиқотлар А.П.Беляева, В.Н.Загвязинский, И.Д.Зверев, С.Р.Волкова, Б.С.Гершунский, В.Н.Максимова, В.В.Мачулис, Л.Л.Степанова, Г.Т.Солдатова, Ю.А.Кустов, Г.А.Клековкин, В.П.Беспалько, А.В.Батаршев, И.В.Антонова каби олимлар томонларидан ўтказилган.

Таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси масалаларига америкалик олимлардан I.Allen, R.Atkinson, D.Baker, D.Bok, S.Brint, V.R.Clark, J.Davies, D.Frank, P.Galison, канадалик олимлардан V.Austin, D.Cameron, A.Chan, D.Fisher, N.Tudiver, англиялик олимлар M.Ash, H.Bhorat, T.Brunch, J.Colyvas, J.L.Davies, J.Dearing, япониялик олимлар O.Hisao, K.Kitamura, T.Masayuki, S.Moriya, K.Okamoto нидерландиялик олимлар R.Bendis, I.Bleiklie, M.Henkel ҳам илмий изланишлар олиб борганлар.

Касбий кўникма ва юқори малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш имконини берувчи шарт-шароитлар яратиш, таълим жараёнини фанлар интеграциясига асосланган методика асосида ташкил этиш ва ижтимоий-иқтисодий шароитларга мос равишда шакллантириш ва ривожлантиришни илмий жиҳатдан асослаш ҳамда методик тизимини ишлаб чиқиш зарурияти тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-

<sup>6</sup> Курбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. / Т.: “Турон-Иқбол”, 2006. – 592 б.; Ҳимматалиев Д.А. Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси (техника олий таълим муассасаларининг “касб таълими” йўналишлари мисолида). Дис. ... пед.фан.док.-Т.: 2018. – 230 б.



тадқиқот ишлари режалари ҳамда AIF-2/20 рақамли “Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида малакали инженер кадрлар тайёрлаш ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, сифатини яхшилаш” (2019-2020-йй.) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим муассасаларида енгил саноат ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёнида умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

олий таълим муассасаларида талабаларни фанлараро интеграцияни таъминлаб ўқитиш орқали касбий фаолиятга тайёрлашнинг ахборот-дидактик таъминотини илмий-методологик ёндашув, интегратив тамойилларни лойиҳалаштириш асосида мазмунан ривожлантириш;

фанларни интеграциялаш асосларига таъсир этувчи омилларни ўзаро боғлиқлигини таъминлаш натижасида ўқув жараёни самарадорлигига эришиш учун интеграциянинг турли кўринишларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

бўлажак муҳандисларни фанлар интеграциясини таъминлаб ўқитиш орқали касбий фаолиятга тайёрлашнинг концептуал методик тизимига асосланган ташкилий-тузилмавий моделини Деминг циклига асосан ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларида талабаларнинг технологик, лойиҳалаш, конструкциялаш каби зарурий касбий компетенцияларини интегратив таълим методларини қўллаш орқали ривожлантириш, ўқув жараёнини интегратив ташкил этиш асосида амалий фаолиятга тайёргарлик даражаси сифатини ошириш;

фанлараро интеграцион ўқитиш асосида бўлажак муҳандис-технологларнинг мутахассисликка хос сифат кўрсаткичларини яхшилашга имкон берувчи ўқув-услубий материаллар, ихтисослик фанларига доир мобил иловалар ишлаб чиқиш, талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлик даражаларини аниқлаш механизмларини оптималлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** олий таълимнинг 5321600 – Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари, 5111000 – Касб таълими (5321600 – Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари) таълим йўналишларида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** фанлараро интеграцияни таъминлаб ўқитиш асосида олий таълим муассасалари талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида олий таълимнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаштиришга имкон берувчи илмий-манбаларни таҳлил этиш, ДТС, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий хужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни танқидий ва қиёсий ўрганиш, суҳбат, сўровнома, кузатиш, педагогик тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

бўлажак муҳандисларни умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаб ўқитиш орқали касбий фаолиятга тайёрлашнинг концептуал методик тизимига асосланган ташкилий-тузилмавий модели Деминг цикли босқичларини модел компонентларига сингдириш ва ўзаро синтезлаш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида талабаларни фанлараро интеграцияни таъминлаб ўқитиш орқали касбий фаолиятга тайёрлашнинг мобил-дидактик таъминоти илмий ва методологик ёндашувлар ҳамда “Mobile-learning”, BOYD (Bring your own device – таълимда мобил қурилмадан фойдаланиш) технологиялари ва таълимни рақамлаштириш тамойиллари асосида мазмунан такомиллаштирилган;

технологик, лойиҳалаш, конструкциялаш каби зарурий касбий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган “Logically confusing chain”, “Case study”, “Classic couple strategy” ўқитиш технологияларини, интерфаол таълим методлари ва шакллари интеграциясини таъминлашда интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш орқали ўқув жараёнини интегратив ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилган;

талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлик даражаларини аниқлаш механизми мезонли кўрсаткичлари ўқув материални баён этишдаги концентризм тамойили воситасида миқдор ва сифат аспектларида оптималлаштирилган;

фанларни интеграциялаш асосларига таъсир этувчи объектив қонуниятлар, таълим вазифалари, билимлар синтези, таълим жараёни ва мазмуни бирлиги каби омилларни ўзаро боғлиқлигини таъминлаш натижасида ўқув жараёни самарадорлигига эришиш учун интеграциянинг фанлараро ва мавзулараро интеграцияси каби кўринишларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

5321600–Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари, 5111000–Касб таълими (5321600–Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари) таълим йўналишлари бўйича ўқув режаси ва “Тиқув, трикотаж ва зардўзлик буюмлари технологияси” ихтисослик фани дастури интегратив ва компетенциявий ёндашувлар асосида такомиллаштирилган;

ўқув жараёнининг педагогик шарт-шароитларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш орқали бўлажак муҳандисларни тайёрлаш сифатини оширишнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш методикаси ишлаб чиқилган ҳамда Деминг циклига асосланган ташкилий-тузилмавий модели ишлаб чиқилган;

енгил саноат йўналишларида ўқитиладиган умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлашга йўналтирилган 2 та дарслик (“Махсус фанларни ўқитиш методикаси”, “Касбий таълим методларини танлаш ва қўллаш”), 2 та ўқув қўлланма (“Дидактик воситалар”, “Система автоматизированного проектирования изделий легкой промышленности”) ва 5 та электрон дарсликлар яратилган ҳамда таълим жараёнига татбиқ қилинган;

бўлажак муҳандис-технологларнинг касбий компетентлик сифат кўрсаткичларини яхшилашга имкон берувчи дидактик таъминоти (ўқув-услубий материаллар ва манбалар) такомиллаштирилган, талабаларнинг билим, касбий кўникма ва компетенцияларининг шаклландирилган даражасини, ишлаб чиқариш жараёнига тайёргарлигини назорат қилиш имконини берувчи баҳолаш мезонлари (дифференциал, коммуникатив, интеллектуал ҳамда мослашувчанлик) ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** хорижий ва ОАК рўй-хатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар материаллари, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқув жараёнининг педагогик шарт-шароитларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш орқали бўлажак муҳандисларни тайёрлаш сифатини оширишнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш методикаси такомиллаштирилганлиги ҳамда ташкилий-тузилмавий модели яратилганлиги билан изоҳланади. 5321600–Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари, 5111000–Касб таълими (5321600–Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари) таълим йўналишлари ўқув режаси ва “Тикув, трикотаж ва зардўзлик буюмлари технологияси” ихтисослик фанидан фан дастури такомиллаштирилган. Ишлаб чиқилган ва амалиётга қўлланилган методика умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлашга, талабаларда мотивация ва дарслар таъсирчанлиги ортишига, фанларни ўзлаштириш самарадорлигига ҳамда булар учун мақбул шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълимда енгил саноат соҳаси бўйича бўлажак муҳандис-технологларни тайёрлаш жараёнида умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш орқали талабаларнинг касбий кўникма ва малакаларини чуқурлаштириш ва ривожлантиришдан иборат. Олий таълимда енгил саноат таълим йўналишлари ихтисослик фанларининг умумкасбий фанлари мазмуни билан интеграциясини таъминлаш асосида ўқитишни амалга оширишнинг амалий аҳамияти такомиллаштирилган ўқув-дидактик таъминотдан мақсадга мувофиқ ҳолда унумли фойдаланиш билан белгиланади. Интегратив таълимни ташкил этиш воситасида муҳандис-технологларни касбига бўлган қизиқишини орттириш ҳамда таълим самарадорлигини ривожлантиришда, жамиятга юқори малакали мутахассис кадрлар етказиб беришда муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълимда енгил саноат йўналишларида умумкасбий ва ихтисослик фанлари

интеграциясини таъминлаш методикасини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

фанларни интеграциялаш асосларига таъсир этувчи объектив қонуниятлар, таълим вазибалари, билимлар синтези, таълим жараёни ва мазмуни бирлиги каби омилларни ўзаро боғлиқлигини таъминлаш натижасида ўқув жараёни самарадорлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан АИФ 2/20 – “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини ошириш” лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 февралдаги 166-сон буйруғи). Натижада, малакали муҳандис кадрлар тайёрлашда ўқув жараёнини ташкил этиш методикаси такомиллаштирилган;

“Logically confusing chain”, “Case study”, “Classic couple strategy” ўқитиш технологияларини, интерфаол таълим методлари ва шакллари интеграциясини таъминлашда интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш орқали ўқув жараёнини интегратив ташкил этиш методикаси “Касбий таълим методларини танлаш ва қўллаш” дарслиги (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 18 августдаги йил 356-сон буйруғи, 356/7-066-сон гувоҳномаси), “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” дарслиги мазмунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи, 418-320-сон гувоҳномаси). Натижада, методика талабаларда мотивация, амалий кўникма ва касбий компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилган;

“Mobile-learning”, BOYD (Bring your own device) технологиялари ҳамда таълимни рақамлаштириш тамойиллари асосида фанлараро интеграцияни таъминлаб ўқитишга қаратилган “Тикув, трикотаж ва зардўзлик буюмлари технологияси” ихтисослик фанининг ахборот-дидактик таъминоти ишлаб чиқилган ҳамда 5321600–Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари, 5111000–Касб таълими (5321600–Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари) таълим йўналишларининг ўқув жараёнига татбиқ этилган (Бухоро муҳандислик-технология институтининг 2021 йил 10 августдаги 09-04/1633-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг лойиҳалаш ва конструкциялашга оид касбий компетенцияларини амалиётда қўллаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 77 та илмий-услубий иш чоп этилган, шулардан 2 та дарслик, 4 та монография, ОАК рўйхатида қайд этилган илмий журналларда 10 та илмий мақолалар, хорижий ва МДХ журналларида 24 та мақолалар нашр қилинган, интеллектуал мулк агентлигидан 5 та муаллифлик гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 223 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети шакллантирилган, тадқиқот усуллари ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар, диссертация тузилиши маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий таълимда енгил sanoat йўналишларидаги фанлар интеграциясининг назарий методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида педагогик-психологик, фалсафий адабиётларда интеграция тушунчасининг мазмун-моҳияти, таълим интеграциясининг назарий масалалари, олий таълимда умумқасбий ва ихтисослик фанларининг ўзига хос жиҳатлари, фанлар интеграциясини таъминлаш тамойиллари, умумқасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлашнинг педагогик имкониятлари ёритилган.

Хорижий ва республикамиз олимларининг тадқиқот ишлари таҳлили асосида техник олий таълим муассасаларида фанлар интеграциясини таъминлаш орқали юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг методик тизими, фанлараро интеграциянинг моҳияти, назарияси ва амалиёти, асосий дидактик функциялари ва тамойиллари ёритиб берилди. Ўқув жараёнида фанлараро интеграциянинг аҳамиятини таснифлашга бу алоқадорликнинг нафақат кўп қирралилиги, балки унинг намоён бўлиши, ундан фойдаланиш методларини аниқлашга ҳам имкон беради.

Жумладан, талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштириш имкониятини берувчи “Тикув, трикотаж ва зардўзлик буюмлари технологияси” ихтисослик фанининг мобил-дидактик таъминоти илмий-методологик ёндашувлар асосида такомиллаштирилди. “Mobile-learning”, BOYD (Bring your own device – таълимда мобил қурилмадан фойдаланиш) технологиялари ва таълимни рақамлаштириш тамойиллари асосида мазмунан такомиллаштирилган мобил иловалар яратилиб, унда ихтисослик фанидан маъруза ва амалий машғулотлар учун қўлланиладиган қисқа ҳажмли видеороликлардан иборат ахборот-дидактик материаллар қамраб олинди. Мазкур мобил иловаларни ҳар бир талаба қўл телефонига АРҚ орқали QRни сканерлаб осонгина юклаб олиши ҳамда фанга оид кенг қамровли электрон манбаларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз томондан ўқув жараёни самарадорлигига эришиш учун интеграциянинг турли кўринишларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланди (1-расмга қаранг).



**1-расм. Ўқув жараёнида интеграциянинг турли кўринишларидан фойдаланиш**


Таълим интеграцияси дейилганда, нафақат билимларни фанлараро боғланиши, балки ўқитиш технологиялари, метод ва шакллари интеграцияси тушунилади. Бизнинг фикримизча, таълимга интегратив ёндашув бир томонлама эмас, балки кўп режали, ҳар томонлама ёндашувни англатади.

Фанлараро алоқалар муаммосининг услубий моҳиятида ўқув жараёни шундай ташкил этиладики, унда бошқа фанларни ўрганиш учун бир фанни ўрганишда эгалланган билим, кўникма ва малакаларнинг фойдаланилиши ўз ўрнига эга бўлади. Демак, фанлараро алоқаларнинг асосий масаласи бўлиб, уларнинг мумкин бўлган алоқаларининг асосий оқимларини аниқловчи таснифи ҳисобланади, яъни ўқитиладиган материаллар, баъзи кўникмалар, илмий усуллар мазмунининг умумлаштирилганлиги тушунилади.

Таълим интеграциясини таъминлашга асосланган педагогик фаолиятнинг мазмуни интегратив тамойиллар функциялари, талаблари ва қоидаларида очиб берилди. Фанлараро интеграция ўқитишнинг узвийлик, кетма-кетлик, тизимлилик, алоқадорлик ва инновацион каби дидактик тамойиллар билан боғлиқликда ўзининг амалий натижасини кўрсатди.

Биз томондан “Тикув, трикотаж ва зардўзлик буюмлари технологияси” ихтисослик фани мазмунининг “Тикувчиликда инновацион технологиялар”, “Технологик жараёнларни лойиҳалаш”, “Енгил саноат маҳсулотларини лойиҳалаш асослари” умумқасбий фанлари билан алоқа-

дорлиги ва интегратив тамойилларни қўллаш имкониятлари кўрсатиб берилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Интегратив тамойиллар асосида ихтисослик фани ва умумқасбий фанлари алоқадорлиги таҳлили

Демак, таълим мазмунини интегратив такомиллаштириш жараёнида таълим тизимини интеграллаш таълимни модернизациялашнинг муҳим тамойили бўлиб, бир томондан, таълимнинг турли босқичлари узвийлиги, кетма-кетлигини таъминлаш, иккинчи томондан, таълим жараёнидаги кўп ўлчовли ҳаракатга мўлжалланган таълим узлуксизлигини таъминлаш тамойилидир.

Фанлараро алоқалар муаммосининг услубий моҳиятида ўқув жараёни шундай ташкил этиладики, унда бошқа фанларни ўрганиш учун бир фанни

ўрганишда эгалланган билим, кўникма ва малакаларнинг фойдаланилиши ўз ўрнига эга бўлади.

Техник олий таълимда фанлар интеграциясини таъминлаш имкониятлари мавжуд бўлиб, бу жараён таълим жараёнини интегратив ташкил этиш тамойиллари – узвийлик, тизимлилик, алоқадорлик, кетма-кетлик ва инновацион тамойиллар билан боғлиқ равишда таъминланади. Улар асосида фан дастурлари такомиллаштирилиб, янги мазмундаги ўқув адабиётлари, ўқув-услубий мажмуалар яратилади. Натижада фанлар орасида, ҳар бир фан мазмунида интеграция таъминланиб, таълим мазмунида яхлитлик, сифат ва ижодий ёндашув юзага келади.

Таълимда фанлараро интеграцияни таъминлаш таҳлилидан кўриниб турибдики, техника олий таълим муассасалари енгил саноат соҳасида умумқасбий ва ихтисослик фанлари ўртасида интеграцияси таъминланган ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этишга эҳтиёж мавжуд.

Диссертациянинг **“Техника олий таълим муассасаларида умумқасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлашнинг услубий асослари”** деб номланган иккинчи бобиди, техника олий таълим муассасалари интеграцион таълим тизимида умумқасбий ва ихтисослик фанларининг мазмуни ва услубий асослари, енгил саноат таълим йўналишлари ўқув режаларини такомиллаштириш, енгил саноат йўналишларидаги умумқасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлашда фан дастурларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Таълимнинг маълум босқичлари ва турли поғоналарида талабаларнинг билим даражасини ва ўқув материални, мутахассис тайёрлашнинг сифатини аниқлаш учун билимлар даражаси дифференциаллаштирилади.

Биз томондан интеграциялаш асосларига таъсир этувчи омиллар аниқланди, булар: фанлар ривожланишининг объектив қонуниятлари, илм-фан тараққиётини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини белгилаш, давлат таълим стандартлари ва малака талаблари, таълим вазифалари, билимлар синтези, таълим жараёни ва мазмуни бирлиги, ўқув режа ва дастурларининг бир-бирини ўзаро белгилаши, моддий техник база, педагогик ва ахборот технологиялари. Фанлар ўртасидаги интегратив ёндашув дидактик идрокка асосланган: ўқитувчи талабани ўрганилаётган мавзунинг мақсад ва вазифалари, унинг бошқа мавзулар билан алоқаси ва коммуникатив дидактик воситаларнинг самарадорлиги билан таништиради (3-расмга қаранг).





### 3-расм. Ўқитувчилар ва талабалар ўртасида интеграл алоқани қўллаш натижалари

Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатганидек, олий таълимнинг интегратив таълим тизими, талабаларнинг билим фаоллигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Интеграцияга асосланган таълим тизимининг мураккаблиги ва динамиклиги таълимнинг индивидуаллашуви, дифференциаллашуви ва ҳаракатчанлиги каби психофизик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг индивидуал қизиқишлари, мойилликлари ва касбий компетенцияларини амалга ошириш учун имкониятлар яратади.

Ўқув режалари ва фан дастурларини мазмунан такомиллаштириш ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, фанларга ажратилган соатлар ҳажмидан мақсадли ва тўғри фойдаланиш, умумий юкламаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва мониторингини олиб боришда қулайликлар яратади.

Таълимнинг интегратив тамойиллари асосида ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш, умумкасбий ва ихтисослик фанларининг алоқадорлигини таҳлил қилиш орқали фанлараро интеграциясини таъминлашга эришилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, фанлар орасидаги интеграцияга асосланган ўқув материаллари ишлаб чиқилган ва бевосита таълим жараёнига қўлланилган.

Олий таълимда интеграция бир неча йўналишларда ва турли даражаларда амалга оширилган:

ички мавзу – тушунчалар, билимлар, кўникмалар ва бошқаларни бирлаштириш, алоҳида ўқув фанлари доирасида яхлитлаш;

фанлараро – далиллар, тушунчалар, тамойиллар ва бошқаларни синтез қилиш, икки ёки ундан ортиқ фанлар мазмунини таҳлил қилиш;

транс-мавзу – асосий ва қўшимча таълим мазмуни таркибий қисмларининг синтезини амалга ошириш.

Демак, олий таълим муассасаларида амалда қўлланилаётган ўқув режа ва дастурларни иш берувчиларнинг талаб ва таклифлари асосида ҳамда таълим муассасасининг мавжуд ўқув-техник имкониятлари ва ҳудуддаги меҳнат бозори шарт-шароитларидан келиб чиқиб такомиллаштириш касбий таълимнинг сифатини оширишга олиб келади. Такومиллаштирилган ўқув режасида умумкасбий ва ихтисослик фанлар орасидаги интегративлик ва боғлиқлик таҳлил қилиниб, бу орқали зарурий амалий кўникма ва касбий малакалар ўзаро уйғунликда ўқитилиши таъминланади.

Интегратив таълим муҳитининг мақсади, вазифалари, имкониятлари талабаларнинг тайёргарлик даражасига ва педагогик шароитларга қараб шакллантирилади. Илмий тадқиқотлардан маълумки, ўқув режаси ва дастурлари мазмунида фанлараро ва фанлардаги ички алоқадорлик муаммоси ҳар бир фан мазмунида интеграцияни таъминлаш, таълим мазмунида яхлитлик, сифат ва ижодий ёндашув асосида ҳал қилинади.

Диссертация ишининг учинчи боби **“Техника олий таълим муассасаларида умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш методикасини ишлаб чиқиш”** деб номланиб, унда умумкасбий

ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш методикасининг ташкилий-тузилмавий модели Деминг цикли асосида ишлаб чиқилган, фанлар интеграциясини таъминлашга асосланган дарс ишланмалари ва ўқув-услубий таъминоти, фанлар интеграциясини таъминлашга асосланган ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш масалалари ёритиб берилган.

Бизнинг фикримизча, ўқув фанларини интеграциялаш турли фанлар мазмунидаги такрорланишларни йўқотиш эвазига дарс вақтидан самарали фойдаланишга, талабаларда мотивацияни кучайтириш, билимларни идрок этишга олиб келади. Янги мавзу бўйича билим, кўникмаларни тизимли ва органик мустаҳкамлаш талабаларда дастлабки олинган билимлардан маҳорат билан фойдаланиш кўникмасини шакллантиради.

Демак, талабаларнинг атрофдаги дунёни яхлитлигича идрок этиши асосида таълим тизимини интегратив ислоҳ қилиш – ўқув материални интеграциялаш, фанлараро алоқалар ва боғланишларни ўрнатиш, яхлитлаштиришдан иборат бўлиб, таълим мазмунини ташкил этишнинг етакчи шакли сифатида хизмат қилади. Тадқиқотларимиз натижасида интегратив таълим қуйидагиларни таъминлашини аниқладик:

талабанинг таҳсил олиши, билимларни кўникмага айланиши унинг малакаси ва касбий амалиётига таъсир қилади;

модул мавзуларида ўрганиладиган жараёнлар ва ходисалар, ғоялар ва тушунчалар ўртасидаги интеграцияни юзага келтиради;

билимлар фанлараро интеграция орқали олинади ва қўлланилади, умумлаштирилади, талабаларнинг тушунчаларини яхшилайти, ахборотларни қабул қилишни енгиллаштиради ва жадаллаштиради;


таълим, тарбия бирлиги таъминланади;

умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш тамойилларини таълим жараёнига татбиқ этиш;

таълим мазмуни, ўқув материаллари ҳамда асосий тушунчалар боғлиқлигини таъминлаш.

Олий таълимда енгил саноат йўналишларидаги умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлашда қуйидаги дидактик материаллар: мобил илова (буктрейлер ва плейкаст)лар, чизмалар, диаграммалар, схемалар, моделлар ёки макетлар, лойиҳалар, эскизлар, мобил иловалар ва ҳ.к.дан фойдаланилиб, “Mobile-learning”, BOYD (Bring your own device – таълимда мобил қурилмадан фойдаланиш) технологиялари ва таълимни рақамлаштириш тамойиллари асосида мазмунан такомиллаштирилди. Кичик видеоматериал мужассам бўлган мазкур намоишли дидактик воситалар – буктрейлер, плейкастлар ва уларнинг мобил иловалари талабалар учун таъсирчан, қизиқарли ва янги намоишли дидактик материал сифатида ижобий қабул қилинди.

Интегратив ёндашув концепцияси – турли фанлараро бўшлиқни тўлдириш, назарий ва амалий билимлар ўртасидаги тафовутни бартараф этишга қаратилган интегратив таълимнинг концептуал методик тизими орқали ифодалаб берилган (4-расмга қаранг).



4-расм. Интегратив таълимнинг концептуал методик тизими

Деминг цикли асосида бўлажак муҳандисларни умумкасбий ва ихтисослик фанлараро интеграцион ўқитиш орқали касбий фаолиятга тайёрлашнинг концептуал методик тизимига асосланган ташкилий-тузилмавий модели ишлаб чиқилган ҳамда қуйидагича амалга оширилган:


1. Режа (интеграция кўринишларининг ўқув жараёнига таъсирини ўрганиш) – вазифаларни таҳлил қилиш, иш берувчиларнинг битирувчиларга қўядиган талабларини аниқлаш, фанлар рўйхатини ишлаб чиқиш, ўқув режа ва фан дастурларини таҳлил қилиш.

2. Бажариш (таълим интеграциясини таъминлаш тамойилларини қўллаш) – ўқитиш жараёнида қўлланиладиган интегротив тамойиллар асосида ўқув режаси ва фан дастурларини такомиллаштириш, интегротив таълим жараёнини амалга ошириш.

3. Назорат (умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш жараёни) – интегротив методлар асосида лойиҳаланган методикани қўллаган ҳолда умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнини назорат қилиш.


4. Ҳаракат (интегротив дарснинг таркибий қисмлари, умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш методикаси) – фанлар интеграциясини таъминлаш методикасини такомиллаштириш асосида ташкил қилинган таълим жараёни натижаларини таҳлил қилиш, баҳолаш.

Таълим жараёнидан кутилган натижага эришилгунга қадар, босқичлар цикли давом эттирилган (5-расмга қаранг).



5-расм. Деминг цикли бўйича таълим сифатини бошқариш босқичлари

Бўлажак муҳандисларни фанлараро интеграцион ўқитиш орқали касбий фаолиятга тайёрлашнинг концептуал методик тизимига асосланган ташкилий-тузилмавий моделига кўра баҳолаш мезонлари талабаларни фанлараро интеграция воситасида касбий фаолиятга тайёрлаш натижалари, сифат кўрсаткичлари (дифференциал, коммуникатив, интеллектуал, мослашувчан), тайёргарлик даражаларини мустақил равишда баҳолаш компонентлари (репродуктив, продуктив, илмий-изланиш, креатив, профессионализм)дан иборат бўлиб, биз интегротив таълимни назорат қилишда улардан самарали фойдаландик (6-расмга қаранг).



6-расм. Бўлажак муҳандисларни фанлараро интеграцион ўқитиш орқали касбий фаолиятга тайёрлашнинг концептуал методик тизимига асосланган ташкилий-тузилмавий модели

Демак, интегратив таълимни қуйидагича амалга ошириш мумкин: ўқитишнинг мазмуни, шаклларидаги ўзаро таъсирини, алоҳида бўлимлари ва босқичлари орасидаги ўзаро муносабатни кўрсатишни, янги ўқув материални ўзлаштиришда мавжуд бўлган билим, маҳорат ва тажрибаларга доимий таянишни, бакалавриятнинг енгил саноат соҳасига оид ихтисослик фанларининг интеграциясини таъминлашни, талабаларнинг таълимнинг ҳар бир босқичида мустақил ишнинг шакли ва усулларини танлашга, талабаларнинг мустақил иши ҳажми ва даражасининг босқичма-босқич мураккаблашуви, чуқурлашуви, умумлашуви ва тизимлашувини.

Фанлар бўйича такомиллаштирилган дастурларни амалда татбиқ этиш орқали дарс жараёнини сифатли ташкил этиш, бунда гуманитар ва табиий-илмий, умумқасбий ва ихтисослик фанларининг интеграцияси ва уйғунлигини таъминлаш, олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишларида ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш мақсадида ҳар бир блокдаги фанларнинг дастурлари ва модулларининг мазмуни ва ўқитилиш вақтини қайта кўриб чиқиш, натижада интегратив ва компетенциявий ёндашувлар асосидаги таълимни ташкил этиш орқали таълим самарадорлигини янада оширишга эришиш мумкин.

Диссертациянинг 4-боби **“Умумқасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш методикасига оид тажриба-синов ишлари”** деб номланиб, енгил саноат йўналишларидаги умумқасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлашга оид методикани таълим жараёнига татбиқ этиш, “Тикув, трикотаж ва зардўзлик буюмлари технологияси” ихтисослик фанини интегратив ўқитишга асосланган тажриба-синов ишларини ўтказиш масалалари ёритилган ва тажриба-синов ишлари таҳлили келтирилган.

5321600–Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари, 5111000–Касб таълими (5321600–Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари) таълим йўналишлари бўйича фанлар интеграцияси таъминланган умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича тажриба-синов ишлари 2017-2021 йиллар давомида амалга оширилган. Унда олий таълим муассасаларида енгил саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган 34 нафар умумқасбий, 52 нафар ихтисослик фанлари профессор-ўқитувчилари билан сўровнома ўтказилган.

Сўровнома натижаларига кўра, таълимда интеграция масалаларига эътибор қаратиш лозимлиги, интегратив таълим методлари ва дидактик материаллардан фойдаланиш зарурати ҳақида фикр билдирганлиги аниқланган.

Тажриба синов ишлари 2017-2021 йиллар давомида олиб борилиб, унда 3 та олий таълим муассасалари – Бухоро муҳандислик-технология институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Жиззах политехника институтидан 327 нафар талабалар иштирок этишган. Уларни икки гуруҳга ажратган ҳолда, яъни назорат ва тажриба гуруҳларида тадқиқот ишлари олиб борилган (7-расмга қаранг).



7-расм. Тажриба-синов ишларида қатнашган олий таълим муассасалари географияси ва демографияси

Умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнини фанлар интеграцияси асосида ташкил этиш учун биз томондан назарий ва амалий машғулотлардан дарс ишланмалари ишлаб чиқилган, уларда дарс босқичлари, фаол таълим методлари, вақт тақсимоти, ўқитувчи ҳамда талаба фаолияти аниқ кўрсатиб берилди, ўқув материаллари, топшириқлар, талабалар билимини баҳолашнинг тест, назорат саволлари ишлаб чиқилган.

Тажрибаларда олинган натижаларни бир қаторнинг частоталари билан бошқа қаторнинг частотасини таққослаш, назарий частоталар билан тажрибавий қатордаги фарқни аниқлаш учун инглиз статисти К.Пирсон таклиф этган «Хи квадрат» ( $\chi^2$ ) мувофиқлик мезонидан фойдаланилди. Натижалар ишончилиги  $T_{\text{наз}} < T_{\text{таж}}$  қийматларини солиштириш орқали аниқланган, яъни  $\chi^2$  нинг жадвалдаги қиймати  $T_{\text{наз}} = 13,28$  % ни ташкил этган бўлса,  $T_{\text{таж}} = 27,5$  % га тенг бўлди. Бу эса улар ўртасидаги фарқлар ишончилиги  $P < 0,01$ га тенглигидан далolat берган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал


Пирсоннинг  $\chi^2$  мувофиқлик миқдорини аниқлашга оид олинган миқдор кўрсаткичлар ва натижаларни қайта ишлаш жадвали

| Тажриба гуруҳи<br>$n=159$   | $Q_{11}$       |      | $Q_{21}$        |      | $Q_{12}$       |      | $Q_{22}$        |       | $Q_{13}$       |      | $Q_{23}$        |       | $Q_{14}$       |       | $Q_{24}$        |       |
|-----------------------------|----------------|------|-----------------|------|----------------|------|-----------------|-------|----------------|------|-----------------|-------|----------------|-------|-----------------|-------|
|                             | Тажриба бошида |      | Тажриба охирида |      | Тажриба бошида |      | Тажриба охирида |       | Тажриба бошида |      | Тажриба охирида |       | Тажриба бошида |       | Тажриба охирида |       |
|                             | n              | %    | N               | %    | n              | %    | n               | %     | n              | %    | n               | %     | n              | %     | n               | %     |
|                             | 28             | 17,6 | 10              | 6,29 | 66             | 41,5 | 52              | 32,70 | 42             | 26,4 | 59              | 37,11 | 23             | 14,47 | 38              | 23,90 |
| Назорат гуруҳи<br>$n_1=168$ | $Q_{15}$       |      | $Q_{25}$        |      | $Q_{16}$       |      | $Q_{26}$        |       | $Q_{17}$       |      | $Q_{27}$        |       | $Q_{18}$       |       | $Q_{28}$        |       |
|                             | Тажриба бошида |      | Тажриба охирида |      | Тажриба бошида |      | Тажриба охирида |       | Тажриба бошида |      | Тажриба охирида |       | Тажриба бошида |       | Тажриба охирида |       |
|                             | $n_1$          | %    | $n_1$           | %    | $n_1$          | %    | $n_1$           | %     | $n_1$          | %    | $n_1$           | %     | $n_1$          | %     | $n_1$           | %     |
|                             | 31             | 18,5 | 16              | 9,52 | 74             | 44,1 | 70              | 41,7  | 38             | 22,6 | 48              | 28,57 | 25             | 14,88 | 34              | 20,24 |


Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, олий таълимда умумқасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш методикасидан фойдаланиш таълим жараёнида қуйидаги самарадорликка эришишга олиб келган: тажриба гуруҳларида «аъло» баҳога ўзлаштириш даражаси 9,43 % га, «яхши» баҳога ўзлаштириш 10,69 % га ўсган, «ўрта» баҳо олганлар сони



